

“Навоиазот” АЖ негизида поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш комплексини қуриш” лойиҳа

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/activities/external-debt/polivinilxlorid>

Лойиҳани асоси: Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 16 декабрдаги “Навоиазот” АЖ негизида поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш комплекси қурилиши” инвестицион лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2272-сон қарорига мувофиқ амалга оширилди.

Лойиҳанинг мақсади: Импорт ўрнини босувчи янги турдаги поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол маҳсулотларини ишлаб чиқариш.

Лойиҳа қуввати: йилига **100 минг тонна** поливинилхлорид (ПВХ), **75 минг тонна** каустик сода, **300,0 минг тонна** метанол ва **1 200 минг. м3** аргон ишлаб чиқарилади.

Лойиҳани амалга оширишдан эришилган натижалар: Лойиҳани амалга ошириш натижасида **187,7 млн. долл.** миқдоридаги шундан – **37,3 млн. долл.** экспортга ва импорт ўрнини босувчи **150,4 млн. долл.** маҳсулот ишлаб чиқарилади. Янги мажмуа қурилиши республиканинг тегишли тармоқларини ривожлантиришга ва юқори қўшимча қийматга ега янги турдаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ёрдам беради.

Яратиладиган иш ўрни: 975 та.

Лойиҳани қиймати: 500,13 млн. долл.

Молиялаштириш манбалари: Хитойнинг Эксимбанки кредити – **373,8 млн. долл.**, “Навоиазот” АЖ маблағлари – **60,3 млн. долл.**, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредити – **65,97 млн. долл.**

Шундан,

Қурилиш-монтаж ишларига харажатлар – 198,42 млн долл.;

– ускуналар сотиб олишга – 277,76 млн долл.;

– ва бошқа харажатлар (лойиҳалаш, молиявий харажатлар ва дастлабки айланма капитал ва бошқалар) – 23,94 млн долл.

Бугунги кундаги хорижий валютадаги қарздорлик миқдори: 315,0 млн. долл.

Лойиҳа ишга туширилган сана: 2019 йил декабрь.

Жойлаштириш жойи: Навоий вилояти, Навоий шаҳри, «Навоиазот» АЖ.

Бош пудратчи: – Хитой Халқ Республикасининг “China CAMCE Engineering Co., LTD” ва “HQC Shanghai Company” компаниялари консортциуми.